

## **З-МАВЗУ: ЕРГА МУЛКЧИЛИК ВА ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲУҚУҚИ (4 соат)**

### **РЕЖА:**

- 1.Ерга нисбатан давлат мулкчилиги тушунчаси.**
- 2.Ердан фойдаланиш ҳуқуқи ва унинг турлари.**
- 3.Ер участкасига нисбатан ҳуқуқларни вужудга келиш ва бекор бўлиш асослари.**

# **З-МАВЗУ.1-МАЪРУЗА: ЕРГА НИСБАТАН ДАВЛАТ МУЛКЧИЛИГИ ТУШУНЧАСИ**

## **РЕЖА:**

- 1. Мулк ҳуқуқи тушунчаси.**
- 2. Ерга нисбатан давлат мулкининг  
ҳуқуқий асослари.**
- 3. Ерга нисбатан мулк ҳуқуқининг  
субъектлари ва объектлари.**

# МАЪРУЗА МАШГУЛОТИНИ ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Талабалар сони 100	3-Мавзу, 1-маъруза . 2 соат
Ўқув машгулотининг шакли	Маъруза-ахборот
Машгулотнинг режаси:	<ol style="list-style-type: none"><li>1. Мулк ҳуқуқи тушунчаси.</li><li>2. Ерга нисбатан давлат мулкининг ҳуқуқий асослари.</li><li>3. Ерга нисбатан мулк ҳуқуқининг субъектлари ва обьектлари.</li></ol>
<p><b>Машгулотнинг мақсади: Ерга мулкчилик ва ердан фойдаланиш ҳуқуқи ҳақида умумий тасаввурни бериш.</b></p>	
<b>Педагогик вазифалар:</b>	<b>Ўқув фаолияти натижалари:</b>
<ol style="list-style-type: none"><li>1. Мулк ҳуқуқи тўғрисида тушунча беради..</li><li>2. Ерга нисбатан давлат мулкининг ҳуқуқий асослари тўғрисида тушунча беради.</li><li>3. Ерга нисбатан мулк ҳуқуқининг субъектлари ва обьектлари тўғрисида тушунча беради.</li></ol>	<ol style="list-style-type: none"><li>1. Мулк ҳуқуқи тўғрисда тассавурга эга бўлади..</li><li>2. Ерга нисбатан давлат мулкининг ҳуқуқий асослари тўғрисида тассавурга эга бўлади..</li><li>3. Ерга нисбатан мулк ҳуқуқининг субъектлари ва обьектлари тўғрисида тассавурга эга бўлади..</li></ol>
Ўқитиши услуби ва техникаси	Визуал маъруза, намойиш, ақлий хужум,
Ўқитиши воситалари	Доска, топшириқлар,
Ўқитиши шакли	Фронтал, коллектив иш,
Ўқитишишарт- шароити	Проектор, компьютер билан жихозланган аудитория

# МАЪРУЗАНИНГ ТЕХНОЛОГИК ҲАРИТАСИ

Иш босқичлари	Фаолият турлари	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
1 босқич Ўқув машғулотига кириш 15 дақиқа	Гурухлар давомати назорат қилинади. Мавзу номи, мақсади, кутилаётган натижаларни, фойдаланиш мажбуриятлари етказилади. Машғулот маъруза ахборот шаклида олиб борилиши маълум қилинади	Тинглайдилар ва ёзиб оладилар
2 босқич Асосий қисм 55 дақиқа	2.1.Мвзу режаси асосий тушунчалар билан танишиб чиқиш таклиф этилади. 2.2. Маъруза слайдлар Power Point тартибида намойиш этилади, ҳар бир слайд шарҳланади. Мавзуга жалб қилувчи саволлар берилади. 2..3.Мавзу режалари бўйича хуносалар қилинади. Керакли маълумотларни дафтарда қайд этишлари кераклиги ёдга солинади. 3. Мавзуни ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш мақсадида тезкор сўров ўтказилади. (1-илова)	Ўқийдилар  Тинглайдилар, асосий маълумотларни дафтарга ёзиб оладилар, саволлар берадилар  Талабалар жавоб берадилар
3 босқич Якуний босқич 10 дақиқа	3.1. Мавзу бўйича умумий хуноса қиласди. Мавзунинг касбий фаолиятидаги аҳамияти ва ўрнига талабалар эътиборини қаратади. 3.2. Мустақил иш учун топшириқ берилади. (2-илова)	Тинглайдилар  Топшириқни ёзиб оладилар

# **МАВЗУНИ МУСТАҚИЛ ЎЗЛАШТИРИШ УЧУН ТАВСИЯ ҚИЛИНАЁТГАН МАНБАЛАР ВА АДАБИЁТЛАР**

## **Асосий:**

1. Ben McFarlane,Nicholas Hopkins. **Land Law: Text, Cases, and Materials.** OUP Oxford, 2012
- 2.М.Х. Рустамбоев ва бошқ. **Ер ҳуқуқи..**Дарслик – Т.: Тошкент давлат юридик институти, 2002. – 237
3. **Земельное право республики Узбекистан.** Учебник. Под. ред. М.Х. Рустамбаева. ҳуқуқи.Т.:ТДЮИ, 2007.-215 стр.
4. А.Нигматов. **Ер ҳуқуқи.** Ўқув қўлланма.– Тошкент.: “Ислом Университети”, 2001. – 191б.
5. А.Нигматов. **Земельное право.**Учебное пособие – Т.: “Ислом Университети”, 2001. – 189 б.
- 6.Узоқова Г.Ш. **Аҳоли пункти ерларидан фойдаланиш ҳуқуқи.**Т.:ТДЮИ, 2006.-117 б.
- 7.M.Mirzaabdullaeva, A.Muqutov, Z.Xafizova. **Yer huquqi**, О'кув оқо'llanma.-Т.:TIMI,2016.- 196 b
- 8.**Земельное право:** Учебник / С.А. Боголюбов, Э.А. Галиновская; Учебник./Под ред. С.А. Боголюбова – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004.-400 стр.

## **Қўшимча:**

1. Ўзбекистон Республикасининг қонуни “Норматив ҳуқуқий ҳужжат тўғрисида”, Ўзбекистон,Т.:1990
2. Ўзбекистон Республикасининг қонун ости ҳужжатлари тизими

## **Интернет ресурслари**

1. [http:// www.colibri.ru/;](http://www.colibri.ru/)
2. <http://www.Lex.uz>

# **ЎТИЛГАН МАВЗУНИ ТАКРОРЛАШ УЧУН БЛИЦ САВОЛЛАР**

- 1.Қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қандай мақсад ва вазифалари мавжуд?**
- 2.Қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими таркиби нечта ҳужжатлардан ташкил топган?**
- 3.Қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжат нима мақсадда қабул қилинади?**

## ЕРГА НИСБАТАН ДАВЛАТ МУЛКИННИГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига асосан умуммиллий бойлик ҳисобланадиган табиий ресурслар ичida ер ўзига хос мақомга эга, чунки у инсоният учун ўта муҳим бир вазифани бажаради, яъни у фуқароларнинг яшаши учун макон ҳамда юридик шахсларнинг ҳудудий жойлашув асоси бўлиб ҳисобланади. Шу сабабли ҳар қандай шароитда ва даврда ердан оқилона, самарали ва тўғри фойдаланишни ташкил этиш халқнинг фаровонлигига, турмуш даражасининг яхшиланишига хизмат қилади. Айниқса ҳозирги шароитда ердан фойдаланиш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишни мунтазам равишда такомиллаштириш ҳамда соҳадаги ҳуқуқий базани янгилаб бориш, уни ривожлантириш давр талабига айланди.

## ЕРГА НИСБАТАН ДАВЛАТ МУЛКИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Мустақиллик йилларида республикамиз бозор муносабатларига чуқурроқ кириб боргани сари бир пайтлар давлатнинг мутлоқ монопол ҳуқуқи остида бўлган объектлар фуқаролик муомаласига киритила бошланди. Мамлакатимизда ер-ҳуқуқий ислоҳотлари босқичма-босқич амалга оширилиб, бугунги кунда “ер участкаларини хусусийлаштириш” масаласи

Ўзбекистон қонунчилигининг энг долзарб масалаларидан бирига айланди. Бунинг асосий сабаби мамлакатимизда ер участкаларининг фуқаролар ва юридик шахслар томонидан хусусийлаштириши учун ижтимоий-сиёсий вазиятнинг етилганлганидир.

## МУЛК ҲУҚУҚИННИГ МАЗМУНИ

Ўзбекистон Республикаси  
Фуқаролик кодекси

Мулк ҳуқуқи кенг маънодаги ашёвий ҳуқуқ бўлиб, ҳуқуқ эгасига, яъни мулқдорларга “**ўзига тегишли бўлган мулклардан фойдаланиш мазмуни ва йўналишини фақат ўзи белгилаш ҳамда улар устидан тўлиқ хўжалик ҳокимиятини амалга ошириш**” ҳуқуқини беради. Ушбу қоида мол-мулкка тааллуқли бўлиб, ерларга нисбатан мулқдорнинг ҳуқуқлари ўзига хос хусусиятларга эгадир. Бу масала аввалом бор ерларнинг табиий ресурс эканлиги, уларнинг миқдори чекланганлиги, улардан фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд эканлиги билан изохланади.

## **МУЛК ХУҚУҚИНИНГ ҚОНУНИЙ АСОСЛАРИ**

Қонуности  
норматив-  
хуқуқий  
хужжатлари

Ўзбекистон  
Республикаси  
қонуни  
“Табиатни  
мухофаза қилиш  
тўғрисида”

Ўзбекистон  
Республикаси  
конституцияси

Ўзбекистон  
Республикаси  
қонуни “Давлат  
мулкчилиги  
тўғрисида”

Ўзбекистон  
Республикаси  
фуқаролик  
кодекси

Ўзбекистон  
Республикаси  
ер кодекси

# ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИДА ЕРЛАРГА НИСБАТАН МУЛК ҲУҚУҚИ МАСАЛАСИ ҚАНДАЙ ХАЛ ҚИЛИНАДИ?

Узбекистон Республикаси  
конституцияси ва қонулари

Ўзбекистон Республикаси конституциясининг 55-  
**моддаси**га кўра ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва  
хайвонот дунёси хамда бошқа табиий захиралар  
умуммиллий бойлик ва давлат муҳофазасидадир деб  
қайд этилган. Ўзбекистоннинг Асосий конуни ерларга  
нисбатан мулк ҳуқуқи масаласини уларни умуммиллий  
бойлик деб тан олиш йўли билан хал этган. Аслида ушбу  
қоида мамлакатимиз қонунчилигида Конституция қабул  
қилингунига қадар мустаҳкамланган эди. Чунки Ўзбекистон  
Республикасининг “**Давлат мустақиллиги асослари**  
**тўғрисида**”ги 1991 йил 31 августда қабул қилинган  
қонунининг 7-моддасида **Ўзбекистон Республикаси Давлат**  
**мустақиллигининг моддий асоси** унинг мулкидир, деб  
белгиланган.

# МУЛКГА НИСБАТАН ВАКОЛАТ ТУШУНЧАСИ НИМАНИ АНГЛАТАДИ?

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси

Мулк ҳуқуқи ерлар кимга тегишлилигини ва мулқдорларнинг табиий ресурсларга нисбатан ваколатларини англатади. Ерга нисбатан мулк ҳуқуқи уни эгалик қилиш, фойдаланиш хамда тасарруф этиш жараёнларида намоён бўлади. Ерлар Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ асосан давлат мулки хисобланади. Ўзбекистон Республикаси **Фуқаролик кодексининг 214-моддасига** мувофиқ ерлар республика мулки хисобланади. **Фуқаролик кодексининг 214-моддаси иккинчи қисмига** асосан республика мулки бўлган мол-мулкни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Хукумати ёки улар маҳсус вакил қилган органлар, агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, тасарруф қиласидилар. **Фуқаролик кодексининг 170-моддаси** ерга ва бошқа табиий ресурсларга бўлган мулк ҳуқуқини ушбу кодекс билан биргаликда бошқа қонунларда хам белгиланишини кўзда тутади.

# ЕР УЧАСТКАСИГА НИСБАТАН МУЛК ҲУҚУҚИ ҚАНДАЙ ҚҮЛЛАНИЛАДИ?

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик  
кодекси

Ер участкалари Ўзбекистон Республикасининг **Фуқаролик кодексида** кўчмас мол-мулк турлари қаторига киритилган (83-модда). Ерга нисбатан мулк ҳуқуқининг қонуний асослари бир қатор қонун ҳужжатларида белгиланган. **Фуқаролик кодекснинг 188-моддасида “фуқаролар ва юридик шахсларнинг ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда, тартибда ва шартларда юзага келади”**, деб белгиланган бўлиб, ушбу масалалар бевосита ер қонунчилигида ҳам кўзда тутилган. Демак ерни бир жойда кўчмас мулк, бошка жойда эса бизни ўраб турган табиий мухитнинг таркибий қисми деб аташ мумкин. Бу эса ерларда ҳам экологик, ҳам иқтисодий белгилари мавжудлигини англаради. Яъни ер бир вактнинг ўзида ҳам табиий обьект, ҳам мулк бўлиб қолаверади ва уни атроф мухитдан ажратиб бўлмайди.

**ЕРГА  
НИБАТАН  
МУЛКЧИЛИК  
МАСАЛАСИ  
ЎРНАТИЛГАН  
НОРМАТИВ  
ХУЖЖАТЛАР**

Ўзбекистон Республикаси Ер  
кодексининг 16 ва 18-моддаларида

“Ўзбекистон Республикасида  
мулкчилик тўғрисида” Қонуннинг 19-  
моддасида

Ўзбекистон Республикаси “Табиатни  
мухофаза қилиш тўғрисида”  
қонуннинг 5-моддасида

# **ЕР КОДЕКСИДА ЕРГА МУЛҚЧИЛИК МАСЛАЛАРИ ҚАНДАЙ БЕЛГИЛАНГАН?**

18 модда

Ер кодексининг 18-моддасида нафақат Ўзбекистон Республикаси юридик ва жисмоний шахслари, балки халқаро ташкилотлар, хорижий мамлакатлар ваколатхоналари, чет давлатлар юридик ва жисмоний шахсларининг ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқининг вужудга келиш асослари қўйидагича белгиланган: **Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари улар жойлашган ер участкалари билан бирга хусусийлаштирилганда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда вужудга келади.** Ушбу модда қоидалари чет давлатларнинг барча фуқаролари ва юридик шахсларига нисбатан татбиқ этилмайди. Унда фақат дипломатия корпуси ходимлари, Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган матбуот вакиллари, фирмалар, компаниялар ва халқаро ташкилотлар доимий ваколатхоналари ходимлари, чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарда доимий асосда ишловчи шахслар, шунингдек республикада доимий истиқомат қилувчи ва яаш учун гувоҳномаси бўлган шахслар ер участкаларидан мулк ҳуқуқи асосида **фойдаланиши** **мумкинлиги** **белгиланган..**

## ЕР КОДЕКСИДА ЕРГА МУЛҚЧИЛИК МАСЛАЛАРИ ҚАНДАЙ БЕЛГИЛАНГАН?

18 модда

Юқоридаги рўйхатга кирмаган хорижий фуқароларнинг ер участкаларига эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуки Ўзбекистон Республикаси **Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 27 февралдаги № 92 сонли “Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасида уй-жой сотиб олинишини ҳамда доимий яшаш учун Тошкент шаҳрига келишни тартибга солиш тўғрисида”ги қарори билан (ушбу қарорга Ўзбекистон Республикаси **Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 16 декабр № 586-сонли «Тошкент шаҳрида уй-жой сотиб олишни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган) тартибга солинади****

## **ЕРГА НИСБАТАН МУЛК ҲУҚУҚИННИГ СУБЪЕКТИ ВА ОБЪЕКТИ**

Ер участкаларига нисбатан ҳуқуқларни давлат номидан тассаруф этишни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси, махаллий давлат хокимияти органлари амалга оширади. Мазкур органларнинг табиий ресурларни тасарруф этиш бўйича ваколатлари Ер кодекси, мазкур органлар тўғрисидаги қонун хужжатларида белгиланган.

**Ер участкаларига  
бўлган мулк  
ҳуқуқининг  
субъектлари**

Ер ва бошқа кўчмас мулқдан  
махсус йўналишда  
фойдаланадиган юридик ва  
жисмоний шахслар

**Ерларга нисбатан мулк  
ҳуқуқининг объектлари**

Умумий кўринишда ер фонди  
ёки аниқ ҳолатда ер  
участкалари

## ЕР ФОНДИ ТУШУНЧАСИ НИМАНИ АНГЛАТАДИ?

Миллий хисобот -2018 й

2018 йил 1 январ ҳолатига Ўзбекистон Республикасининг маъмурий чегарасидаги умумий ер майдони **44896,9 минг** гектарни ташкил қиласади. Республика бўйича корхона, ташкилот, муассасалар, фермер хўжаликлари ва фуқароларнинг фойдаланишидаги жами ерлар **44892,4 минг** гектарни, шундан суғориладиган ерлар эса **4311,5 минг** гектарни ёки умумий ер майдонининг **9,6 фоизини** ташкил қиласади.

Ўзбекистон Республикаси ер фонди ерлардан фойдаланиш мақсади ва тартибига кўра ўзига хос ҳусусиятларга эга бўлиб, улар Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 8-моддасига биноан **8** та тоифага бўлинади.

## **ЕРГА НИСБАТАН МУЛК ҲУҚУҚИННИГ СУБЪЕКТИ ВА ОБЪЕКТИ**

Ер участкаларига нисбатан ҳуқуқларни давлат номидан тассаруф этишни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси, махаллий давлат хокимияти органлари амалга оширади. Мазкур органларнинг табиий ресурларни тасарруф этиш бўйича ваколатлари Ер кодекси, мазкур органлар тўғрисидаги қонун хужжатларида белгиланган.

**Ер участкаларига  
бўлган мулк  
ҳуқуқининг  
субъектлари**

Ер ва бошқа кўчмас мулқдан  
махсус йўналишда  
фойдаланадиган юридик ва  
жисмоний шахслар

**Ерларга нисбатан мулк  
ҳуқуқининг объектлари**

Умумий кўринишда ер фонди  
ёки аниқ ҳолатда ер  
участкалари

**Ер  
участкаларига  
бўлган мулк  
ҳуқуқининг  
субъектлари**

Ер ва бошқа кўчмас мулқдан  
махсус йўналишда  
фойдаланадиган юридик ва  
жисмоний шахслар

**Ерларга  
нисбатан мулк  
ҳуқуқининг  
объектлари**

Умумий кўринишда ер фонди  
ёки аниқ ҳолатда ер  
участкалари

# ЕР УЧАСТКАСИ ТУШУНЧАСИ НИМАНИ АНГЛАТАДИ?

ЕК 10-модда

Ер кодексининг 10-модда сига биноан ер участкаси- қайд этилган чегарага, майдонга, жойлашган манзилига, ҳуқуқий режимига ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқларнинг давлат ер кадастр хужжатларида акс эттирилган бошқа хусусиятларга эга бўлган ер фондининг қисмиидир. Ер участкасининг чегараси планларда (чизмаларда) қайд этилади ва натурада (жойнинг ўзида) белгиланади. Ер участкасининг майдони натурада (жойнинг ўзида) чегара белгиланганидан кейин аникланади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЕР ФОНДИНинг ТОИФАЛАРИ БЎЙИЧА  
ТАҚСИМЛАНИШИ ТАҲЛИЛИ**

Т/р	Ер фондининг тоифалари	Умумий ер майдони, минг га		% хисобида	
		01.01. 2017 й.	01.01. 2018 й.	01.01. 2017 й.	01.01. 2018 й.
1	Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар	20174,0	20261,6	44,94	45,13
2	Аҳоли пунктларининг ерлари	220,8	221,2	0,49	0,49
3	Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар ерлар	905,3	857,1	2,02	1,91
4	Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар	704,3	704,4	1,57	1,57
5	Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар	14,1	14,3	0,03	0,03
6	Ўрмон фонди ерлари	11191,9	11153,3	24,93	24,84
7	Сув фонди ерлари	833,6	833,7	1,86	1,86
8	Заҳира ерлар	10848,4	10846,8	24,16	24,16
	<b>Жами ерлар:</b>	<b>44892,4</b>	<b>44892,4</b>	<b>100,0</b>	<b>100</b>

# **ЕР УЧАСТКАСИНИНГ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИДА БЕЛГИЛАНГАН ҚАНДАЙ КҮРИНИШЛАР МАВЖУД?**

**ЕК 10-модда**

## **БҮЛИНАДИГАН ЕР УЧАСТКАСИ**

Ўзининг асосий фойдаланиш максадини ўзгартирмаган ва ёнгинга карши, санитария, экологияга оид, шахарсозлик хамда бошка мажбурий нормалар ва коидаларни бузмаган холда кисмларга бўлиш мумкин бўлган ва бу иш амалга оширилганидан кейин хосил бўлган кисмларнинг хар бири мустакил ер участкасини ташкил этиши мумкин бўлган ер участкаси бўлинадиган ер участкаси хисобланади

## **БЎЛИНМАЙДИГАН ЕР УЧАСТКАСИ**

Фойдаланиш максадига кўра мустакил ер участкаларига бўлиниши мумкин бўлмаган ер участкаси бўлинмайдиган ер участкаси хисобланади

# МУЛК ҲУҚУҚИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ер ҳуқуқи манбалари асосида

Мулк ҳуқуқи  
мулқдорда  
қонунчиллик  
хұжжатлари  
асосида юзага  
келади

Мулқдорда  
мулға  
нисбатан  
мутлоқ  
хўжалик  
ҳуқуқи  
мавжуд

Мулқдорга  
маълум  
ҳуқуқлар билан  
бир қаторда  
мажбуриятлар  
хам юкланды.

4.

# Уйга вазифа

- 1. Мулк ҳуқуқи тушунчаси нимани  
англатади?**
- 2. Ер участкасига нисбатан мулк ҳуқуқини  
қайси норматив ҳуқуқий ҳужжатлар меъёрлари  
белгилайди?**
- 3. Ерга нисбатан мулк ҳуқуқининг объекти  
ва субъекти тушунчалари нимани англатади?**
- 4. Ерга нисбатан мулк ҳуқуқининг қандай  
хусусиятлари мавжуд?**